# Qishloq hayoti

Қишлоқ ҳаёти

2016 йил — Соғлом она ва бола йили

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz

2016-YIL 11-FEVRAL, PAYSHANBA, 18 (8569)-son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.





Оқил ҒУЛОМОВ (ЎзА) олган сурат.

## ФАОЛ ҲАМКОРЛИКНИНГ АМАЛИЙ САМАРАСИ

**Корея Республикаси Ўзбекистоннинг стратегик шерикларидан бири. Мамлакатларимиз ўртасида ўзаро ҳурматга асосланган дўстлик ва ҳамкорлик алоқалари яхши йўлга қўйилган. Бу икки давлат Президентларининг доимийлик касб этган мулоқотлари самарасида янги мазмун билан бойиб бормоқда.**

Ўзбекистон ва Жанубий Корея ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтиришга давлат ва жамоат ташкилотлари салмоқли ҳисса қўшмоқда. Корея Республикаси халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) ижтимоий-иқтисодий соҳаларни ривожлантиришда мамлакатимиздаги қатор вазирлик ва идоралар билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келаётир.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан ўтказилган пресс-турда журналистлар мазкур вазирлик ҳамда KOICA билан ҳамкорликда Тошкент шаҳрида ташкил этилган Касб-ҳунарга ўқитиш маркази фаолияти билан таништирилди.

Замонавий асбоб-ускуна тақдим этиш, кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш, Жанубий кореялик мутахассисларни юртимизга жалб этиш ушбу агентлик билан амалга оширилаётган ҳамкорликнинг асосий йўналишларидир. Йигирма йил мобайнида соғлиқни сақлаш, таълим, ахборот технологиялари, коммунал хўжалиги, қишлоқ ва сув хўжалиги, энергетика каби соҳаларда қарийб 80 миллион доллар миқдоридаги 24 лойиҳа бажарилди.

2012 йилдан буён фаолият юритаётган Касб-ҳунарга ўқитиш марказида туман ва шаҳар бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари йўлланмалари бўйича ҳар йили етти юзга яқин йигит-қиз бепул ўқитилмоқда. Машинасозлик ишлаб чиқариши ва технологиялари, электроника ва электротехника, автомобилларни таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш, ахборот технологиялари ва тизимлари каби муҳим йўналишларда кадрлар қайта тайёрланмоқда. Улар бу ерда зарур касбни эгаллагач, мамлакатимиздаги етакчи корхоналарда доимий иш билан таъминланаётир. 2012 йилдан буён мазкур марказни 1500 дан зиёд ёш битирди. Уларнинг барчаси уч томонлама шартнома асосида иш билан таъминланди.

Марказ директори Равшан Иброҳимовнинг айтишича, битирувчилар "Ўзавтосаноат", "Ўзэлтехсаноат", "Ўзтелеком", "Тошавтотеххизмат", "GM Powertrain Uzbekistan", "Ўзагромашсервис", "Тошкент труба заводи", "Қуюв-механика заводи", "Ўзбекистон металлургия комбинати", "Ўзэлектроаппарат-Электрошит" каби компания ва корхоналарда фаолият юритмоқда. Айни пайтда Самарқанд, Шаҳрисабз, Қўқон ва Урганч шаҳарларида ҳам бундай марказларни ташкил этиш бўйича фаол ишлар олиб борилмоқда.

– 2013 йилда мазкур марказни муваффақиятли битирдим, – дейди Умид Комилов. – Уч томонлама шартнома асосида "GM Powertrain Uzbekistan" қўшма корхонасига ишга жойлашдим. Марказда олган билимларим меҳнат фаолиятимда қўл келмоқда.

Таълим муассасасида ўқиш муддати 10 ой бўлиб, ўқув дастури ва жараёнида назария учун умумий вақтнинг 35 фоизи, қолган қисми корхоналарда амалиёт ўташ учун ажратилган. Кейинчалик мазкур корхоналар олдиндан тузилган шартномага мувофиқ ўқувчиларни иш билан таъминлайди. Имтиҳонларни муваффақиятли топширган битирувчиларга таълим йўналиши ва ихтисослиги кўрсатилган сертификат берилади.

(Давоми 2-саҳифада)

### САҲИФАЛАРДА


Жасур ўғлонлар – Ватан хизматига шай 2



«Лайли ва Мажнун» янги талқинда 4

Тарбияда танаффус бўлмайди 5

Инсон хулқи қоматига таъсир этади 8




Ёлқин ШАМСИДДИНОВ (ЎзА) олган сурат.

# ФАОЛ ҲАМКОРЛИКНИНГ АМАЛИЙ САМАРАСИ

(Боши 1-саҳифада)

Марказда 24 ўқитувчи ва ишлаб чиқариш таълими устаси, шунингдек, KOICA агентлигидан 8 кўнгилли мутахассис ўқувчиларга таълим бермоқда. Вилоятлардан келган ўқувчилар учун ётоқхона мавжуд.

– Ўзбекистонда малакали кадрлар тайёрлаш масаласига алоҳида аҳамият берилмоқда ва бу ўз самарасини кўрсатмоқда, – дейди KOICA агентлиги мутахассиси Баак Сеунг Су. – Касб-ҳунарга ўқитиш марказида “Автомобилларга ранг бериш ва қуритиш цехи” мини-лойиҳасини ишлаб чиқдик. Бу лойиҳа марказ ўқувчиларининг касб маҳоратини оширишга хизмат қилмоқда. Ўзбекистон ёшлари интеллектуал салоҳияти ва иқтидори билан бошқалардан ажралиб туради. Бу мамлакатингиздаги ёшларга оид давлат сиёсати самарасидир.

Айни кунда KOICAнинг қарийб етмиш кўнгиллиси юртимизда фаолият кўрсатмоқда.

KOICA билан 2015-2017 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури қиймати 58 миллион долларлик 11 лойиҳани амалга оширишни назарда тутади. Тошкент аэропортини модернизация қилиш ва янги халқаро терминал барпо этиш лойиҳасининг техник-иқтисодий асосини ишлаб чиқиш, қуриладиган IV даражали замонавий кўп тармоқли клиникалар учун юқори малакали тиббиёт ходимларини тайёрлаш ва тиббий ускуналарга хизмат кўрсатиш марказларини, Хоразм ва Фарғона вилоятларида техник мутахассисликлар бўйича кадрлар тайёрлаш марказларини ташкил этиш, замонавий ахборот-ресурс марказини қуриш ва жиҳозлаш, электрон ўқитиш тизимини жорий этиш ҳамда ўқув-илмий лабораторияларни жиҳозлаш орқали Тошкент ахборот технологиялари университетини ривожлантириш лойиҳалари шулар жумласидандир.

Пресс-тур давомида журналистлар марказнинг моддий-техник базаси билан танишиб, дарсларда иштирок этди. Ўқувчилар, ўқитувчилар, марказ битирувчилари ва кўнгиллилар билан суҳбатлашди.

**Нодира МАНЗУРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

***Миллий матбуот марказида журналистика соҳасида “Олтин қалам” XI Миллий мукофоти учун халқаро танловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита йиғилиши бўлиб ўтди.***

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси, “Олтин қалам” миллий мукофоти учун халқаро танловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита раиси И.Ҳалимбеков ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида миллий журналистикамизни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани, “Олтин қалам” миллий мукофоти соҳа вакилларини ижодий изланишга ундаётганини таъкидлади.




Жаҳон матбуоти эркинлиги кунига бағишлаб таъсис этилган мазкур танлов Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ҳамда Журналистларни қайта тайёрлаш маркази томонидан Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Миллий телерадиокомпания, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, “Uzreport” ахборот агентлиги, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши ҳамкорлигида ўтказилмоқда.

Танлов телевидение, радио, босма оммавий ахборот воситалари ва интернет-журналистика йўналишлари бўйича ўтказилади. Унда битта бош миллий мукофот, ҳар бир йўналиш бўйича учтадан мукофот ҳамда “Энг яхши фоторепортаж” ва “Энг яхши матбуот хизмати” рағбатлантирувчи номинациялари таъсис этилди.

“Олтин қалам” миллий мукофоти халқаро танлови нуфузи йилдан-йилга ошиб бормоқда. 2006 йилда ўтказилган “Олтин қалам” I Миллий мукофоти учун танловда 136 журналист 1669 ижодий иши билан қатнашган бўлса, 2015 йили ўтган X Миллий мукофот учун танловда 690 ижодкор 15 мингга яқин материалини тақдим этган. Шу вақтга қадар танловда 5000 га яқин журналистнинг 70 мингга яқин ижодий иши кўриб чиқилган. 222 журналист танлов ғолиби ва совриндори бўлган.

Ижодий ишлар давлатимиз раҳбарининг журналистлар олдига қўяётган вазифалардан келиб чиққан ҳолда баҳоланади, долзарб мавзудаги таҳлилий материалларга алоҳида эътибор қаратилади.

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, Мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди рағбатлантирувчи мукофотларини таъсис этган. Шунингдек, БМТ, ЮНЕСКО, ЮСАИД, “Минтақавий мулоқот” (Словения) каби қатор халқаро ташкилотлар ваколатхоналари ҳам танловда ўз мукофоти билан қатнашади.

Йиғилишда “Олтин қалам” XI Миллий мукофоти учун халқаро танловни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ташкилий масалалар кўриб чиқилди. “Олтин қалам” XI Миллий мукофоти халқаро танлови ғолиблари 3 май – Жаҳон матбуоти эркинлиги куни “Туркистон” саройида ўтказиладиган тантанали маросимда тақдирланади.

**Н.УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

Жиззах Вилояти

# МАСЪУЛИЯТ – ДОИМО МУҲИМ МЕЗОН

***Жиззах шаҳрида “Йилнинг энг яхши масъул котиби” кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияларнинг масъул котиблари ўзаро куч синашдилар.***

Танлов давомида котибларнинг ҳуқуқий билимлари, ёшларни ижтимоий ҳимоялаш ва соҳага оид ҳужжатларни расмийлаштириш борасидаги фаолияти баҳоланди. Ушбу жараёнда асосий эътибор иштирокчиларнинг вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик, қаровсизлик, ҳуқуқбузарлик ва бошқа ғайри ижтимоий хатти-ҳаракатларга сабаб бўлувчи омилларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш усул ва тажрибаларига қаратилди.

Қизғин беллашувлар руҳида кечган кўрик-танловда Пахтакор тумани вакили Пўлат Тожиев энг юқори натижага эришди ва танловнинг республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

**Алижон АБДУСАТТОРОВ**

Сирдарё Вилояти

ВАТАН ҲИМОЯСИ — МУҚАДДАС БУРЧ

# ЖАСУР ЎҒЛОНЛАР – ВАТАН ХИЗМАТИГА ШАЙ

**Бугун ҳарбий либослари эгниларига ярашиб турган жасур ва мард йигитларнинг саф тортиб туришини кўриб қалбингиз ўзгача ғурур ва ифтихорга тўлади. Юртимизда ҳарбий соҳага қаратилаётган улкан эътибор туфайли кейинги йилларда армияга чақирилаётган ёшларни кузатиш маросимларини тантанали ўтказиш ҳам яхши анъанага айланди.**



Давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 23 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси фуқароларини муддатли ҳарбий хизматга навбатдаги чақируви ҳамда белгиланган хизмат муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Қуролли Кучлар резервига бўшатиш тўғрисида”ги қарори ижроси доирасида Сирдарё вилояти мудофаа ишлари бошқармаси йиғин пунктида муддатли ҳарбий хизматга чақирилган йигитларни кузатиш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда вилоят ҳокимлиги, меҳнат фахрийлари, кенг жамоатчилик вакиллари, ота-оналар ва фаол ёшлар иштирок этди.

Унда қайд этилганидек, Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда замонавий, ихчам ва ҳаракатчан, юртимиз хавфсизлиги, ҳудудий яхлитлиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлашга ҳамда тактик ва стратегик вазифаларни ҳал этишга қодир миллий армиямиз шаклланди.

Кузатиш маросимида осмонимиз мусаффолиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини ҳимоя қилишга шайланган жасур ва мард йигитларга халқимизнинг ишончи янада баландлиги, Ватанимиз тақдири ишончли қўлларда эканлиги алоҳида таъкидланди.

– Мен бир йўла икки фарзандим – Ҳасан ва Ҳусанларни ҳарбий хизматга кузатяпман, – дейди Гулистон шаҳрида яшовчи Исроил Абдурасулов. – Икки ўғлим ҳам коллежни муваффақиятли тамомлаб, ҳарбий хизматга отланди. Улар Ватанимизга муносиб хизмат қилиб, эл-юрт олдида фарзандлик бурчини ўташига ишонаман.

– Бизга она Ватанни ҳимоя қилишдек катта масъулият юкланаётганидан жуда бахтиёрман, – деди муддатли ҳарбий хизматга чақирилган Гулистон туманилик Бобур Қаршибоев. – Кўрик ва синовлардан муваффақиятли ўтиб, муддатли ҳарбий хизматга боришдек орзумга эришдим. Намунали хизмат қилиб, ота-онам ва юртдошларимизнинг ишончларини, албатта, шараф билан оқлаймиз.

Тадбирда Ватан, истиқлол ва ёшликни мадҳ этувчи куй-қўшиқлар янгради. Шундан сўнг юртимизнинг бўлғуси посбонлари ўз хизмат бурчларини ўташ учун жўнаб кетдилар.

**Бозорбой БЕКМУРОДОВ,**
**“Qishloq hayoti” мухбири.**




# Қизилқум таассуротлари

## ТЕТИЗ ДЕНГИЗИ

Қизилқум томон йўлингиз тушса, Конимехдан ўтишингиз биланоқ яйдоқ адирликлар бошланади. Уфққа туташ кенгликларни иккига бўлиб бораётган ёлғизгина йўл варрак ипидек осмонга тортилган туюлади. Аммо қир ошган сайин чўл бағрига сингиб бораверасиз. Ушбу кенгликларни Жерой Сардара ботиғи деб атайдилар. У денгиз сатҳидан салкам 500 метр чуқурликда жойлашган бўлиб, бундан 95-100 миллион йил аввал бу ерлар Тетиз денгизининг энг чуқур жойи ҳисобланган. Буни шу атрофдаги фосфорит карьеридан кончилар топган акула ва бошқа денгиз жонзотларининг суяк ҳамда тиш қолдиқларидан ҳам билиш мумкин. Мазкур ашёлар ҳозирда Зарафшон шаҳридаги ўлкашунослик музейида сақланмоқда. Дарвоқе, музейдан жой эгаллаган бебаҳо экспонатлар – археологик топилма, геологик изланиш ва тадқиқотлар чўл дунёси ўтмишда мутлақо бошқача бўлганлигидан далолат беради. Айтайлик, ноёб топилма ҳисобланадиган динозаврнинг болдир суяги, Зарафшон шаҳридан уч-тўрт километр наридан топилган петроглифлар ҳудуд икки-икки ярим минг йил аввал ҳам кишилик тараққиётининг маданий масканларидан бири бўлганлигидан сўзлайди. Шунингдек, Учқудуқ шаҳридан тахминан 130 километр олисда жойлашган Жирақудуқ дарасидаги "Тошўрмон"дан келтирилган, тошга айланган дарахт кундаси воҳа серсув ва гўзал табиатга эга бўлганлигини исботлайди. Ушбу ажойиб наботот ва ҳайвонот оламиқаерга ва қачон йўқолганлиги хусусида турли қарашлар мавжуд. Шулардан ишончлироғи, бир неча миллион йил илгари Мингбулоқ ботиғига метеорит келиб урилганлиги ҳақидаги фараздир. Унга кўра, Тетиз денгизи йўқ бўлиб, ўрнида қуш учса қаноти, одам ўтса оёғи куядиган Қизилқум чўли пайдо бўлган.

Айтиш жоизки, салкам уч юз минг квадрат километр майдонни эгаллаган Қизилқум рўйи заминимизнинг йирик саҳроларидан бири ҳисобланади. Чўлнинг учдан икки қисми кўчиб турувчи барханликлардан иборат. Иқлими эса кескин континентал. Ёғингарчилик асосан қиш фасли ва кеч куз ҳамда эрта кўкламга тўғри келиб, унинг йиллик ҳажми 100-120 миллиметр атрофида. Йилнинг беш ойида эса ёмғир тугул осмонда ҳатто бир парча булут ҳам кўринмайди.

## ЗАРАФШОН ШАҲРИ

Қизилқум чўлининг олтин маркази – Зарафшон шаҳри саҳрода халқимиз яратган мўъжизадир. Зарафшон – афсоналар ҳақиқатга айланган гўша. Меҳнатидан ҳаловат, заҳматидан ҳикмат топган одамлар юрти. Истиқлол офтоби мазкур ҳудудга ҳам ўзининг заррин нурларидан баҳраманд бўлиш имконини берди. Янги тарихимизда Юртбошимиз томонидан ҳар бир шаҳарга алоҳида эътибор қаратилиши Зарафшоннинг ҳам қиёфасини тубдан ўзгартирди. Унинг қиёфасига сўнгги йиллар бахшида этган янги-янги чизгилар ҳақида ҳикоя қилар эканмиз, шарофатли йиллар аҳли зарафшон дилида эртанги кунга мустаҳкам ишонч уйғотганлигини алоҳида қайд этмоқ жоиз. Буни, айниқса, саҳрода ҳар қатраси олтинга тенг сув мисолида кузатсак, илгари у қатъий график асосида берилиб, аҳволни ўнглашнинг пайсалга солиниши кишилар кўнглига омонат туйғулар жойлаган бўлса, бугун у кунлар тушдек унут бўлган. Мухтасар қилсак, халқимиз фахри Зарафшон эндиликда файзли масканга айланиб, шунга монанд кайфият, маданият ва самимий шукроналик шаҳар аҳли учун янги-янги марраларга қанот бўлмоқда. Биргина ўтган йилни оладиган бўлсак, шаҳарда бунёд этилган "Камалак" аква боғи, 64 хонадонли "Камолот" уйи ҳамда бир қатор ижтимоий инфратузилма объектлари шаҳарда ёшларга кўрсатилаётган чексиз эътибор ва ғамхўрлик намунасидир.

## ШАҲАРСОЗ КОРХОНА

Навоий кон металлургия комбинати инсоният кончилик тараққиётида эришган ютуқларнинг улуғи, умумтамаддунда йигирманчи асрнинг йирик воқеликларидан бири ҳисобланади. Унинг сайёрамиз қазилма бойликларини ўзлаштириш харитасида пайдо бўлиши шунчаки воқеликкина эмас, дунё стратегик хомашё мувозанатида ҳам ўзгариш ясаб, бугун Ватанимиз қудрат ва салоҳиятини белгилашда ҳиссасини қўшиб келаётир. Комбинатга фаолият юритаётган ҳудуд кўлами, халқ хўжалигидаги самараси, маҳсулот тури, жамоа таркиби ва уларни ижтимоий ҳимоялаш мазмуни жиҳатидан Ҳамдўстлик мамлакатларида бирорта ҳам корхона унга ҳамон тенглаша олмайди.

Корхона кўп ихтисосли йирик қувватлардан бири ҳисобланади. У ўзида қазилма бойликларни қидирувдан тортиб, ўзлаштириш, қайта ишлаш ва тайёр маҳсулот даражасигача бўлган жараёнларни жамлаган. Ҳар бир тармоқда замон билан ҳамнафаслик, илмий ёндашув ва илғор технологияларни амалиётга дадил жалб этишни кўриш мумкин. Бу ердаги техникалар, таҳлилий ускуналар, ҳисоблаш ва компьютер технологиялари, автоматик бошқарув, ўлчов воситалари энг замонавийлари ҳисобланади. Буларнинг барчаси Навоий кон металлургия комбинатига жаҳон андозалари даражасидаги юқори самарали ишлаб чиқаришни ташкил этиш, сифатда эса аксарият ҳолларда халқаро андозалардан-да юқори турувчи маҳсулот тайёрлаш имконини беради.



Зарафшон шаҳридаги ўлкашунослик музейида.

## УЧҚУДУҚ ШАҲРИ

Қизилқум уммонида Учқудуқ мўъжазгина оролчани эслатиб, гўё чўл бағрида сароб моддийлашгандек туюлади. Осмонўпар бинолар, шарқираган фавворалар, йирик саноат корхоналари, тупроғидан олтин унувчи замин оддийгина ҳақиқатлиги билан бирга халқнинг метин иродаси, реза пешона терининг тимсоли ҳамдир. Шаҳар Қизилқум шароити ҳисобга олинган меъморий лойиҳалар асосида бунёд этилиб, унда мўъжаз (микро) мавзелар ипга тизилган маржондек бир-бирини тўлдириб, ўзига хос гўзаллик касб этади. Юртбошимиз раҳнамолигида 1995 йил Кўкпатасда учинчи гидрометаллургия заводининг бунёд этилиши ва кейинчалик корхона базасида сульфидли рудалардан олтин ажратиб олиш технологиясининг жорий этилиши ҳудуд ҳаётида янги саҳифа очди. Учқудуқда бунёдкорлик ўшандан буён бир зум бўлса-да тўхтаган эмас. Қизилқумни қоқ иккига бўлиб, мамлакат шимолини марказ билан боғловчи темир йўл эндиликда Учқудуқдан Нукусга қадар масофа оралиғида катта-кичик бекатлар, овулу қишлоқлар бунёд этилмоқда. Йўл билан бирга обиҳаёт, табиий газ келиб, ахборот ва рақамли телекоммуникация тармоқлари, қўйингки, тараққиётнинг барча сўнгги ютуқлари эндиликда қизилқумликларнинг ҳам хизматида. Шаҳарда эса янги мавзелар, намунавий лойиҳалар асосидаги уй-жойлар, "Ёшлар боғи", спорт саройлари қад ростлаётир. Сўнгги йигирма беш йил эса нафақат бунёдкорликка бой бўлди, балки бу ердаги тотувлик, қаноат, елкадошлик ҳисси бугун учқудуқликларни наинки моддий, шу билан бирга, маънавий бойликларни ҳам ўзлаштиришга, бойитишга ёрдам бермоқда.

## ТОМДИ ҚЎРҒОНИ

Қизилқум шимолидаги томдиликлар азал-азалдан чорва билан шуғулланишади. Бир пайтлар Томди ҳудудларига нисбатан "самарасиз" деган хулоса мавжуд эди. Айни шу хулоса аҳолига шароит яратишга, бу ерни обод этишга халақит берарди. Хусусан, ўтган асрнинг етмишинчи йилларида Томди қўрғони жойлашган заминда ер тектоник силжишлари рўй бериб, бир қатор ижтимоий соҳа объектлари, аҳолининг уй-жойлари ёрилиб, фойдаланишга яроқсиз аҳволга келиб қолган эди. Мазкур ташвиш ечимида собиқ тузумнинг ҳоли туман касалхонаси ва мактаби биносининг белига темир белбоғ тортишгагина етган холос. Қўрғонни янги, бехавотир манзилга кўчириш хусусидаги қарор қоғоздалигича қолиб кетди. Табиийки, бу ҳолатлардан қўрғон аҳлининг қурилиш ва бунёдкорликдан қўли совиди.

Истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ Юртбошимиз раҳнамолигида янги Томди қўрғони қурилиши жадал суръатлар билан бошлаб юборилди. Замонавий уй-жойлар, мактаб, боғча, коллеж, тиббиёт муассасалари, автобекат, боғ бунёд этилиб, қўрғон йил сайин чирой очиб, кенгайиб бормоқда. Тадбиркорлик равнақ топиб, ноанъанавий ишлаб чиқаришлар йўлга қўйилди.

## ЗАРРАСИ ХАМ ЎЗИМИЗНИКИ

Тянь Шан тоғ тизмаси этакларидан бошланиб, Орол кенгликларига қадар ястанган далалар, қиру адирликлар, гўзал воҳалар, бийдай чўлу биёбонлар – бари-бариси Ватан тупроғи. Ушбу замин фарзандларимиз улғайиб, бахтимиз камол топаётганлиги учунгина эмас, унда аждодларимиз мангу ором олаётганлиги билан ҳам қадрли. Бинобарин, унинг ҳар бир гўшаси, ҳар бир заррасига боғланганмиз.

Қизилқумда бўлган киши ана шуларни дилдан ҳис этади.

**Темур ЭШБОЕВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Бухоро вилояти

# АВЛОДЛАРГА МЕРОС ҲУНАР

*Вобкент туманининг Кулолчи маҳалласида ҳунармандчиликнинг ҳадисини олган, ўз касби билан эл орасида ҳурмат топган, меҳнати орқасида ҳавас қилишга арзигулик даражада оила тебратаётган кишилар кўпчиликни ташкил қилади. Уларнинг аксарияти кулолчилик ҳунарининг сир-асрорини пухта эгаллашган.*

Уста кулолларнинг тўртинчи авлоди бўлган Хайрулла бугунги кунда отаси Ғайбулла аканинг устахонасини моҳирлик билан бошқариб келмоқда. Унинг қўлида сайқал топаётган лаган, гулдон, кўза, хум, чойнак, пиёла каби кулолчилик буюмлари бежирим ва гўзаллиги билан кишини ўзига жалб қилади.

Бундан ташқари, Хайрулла тандирсозлик билан ҳам шуғулланади. Ҳали ёш бўлишига қарамай, ўз ҳунарини янада такомиллаштириш, кулолчилик буюмларига замонавий шакл ва гўзаллик бериш устида тинимсиз изланишлар олиб бормоқда. Беш нафар шогирдлари ҳам унинг устахонасида маҳоратларини ошириб бормоқда.

– Ҳудудимизда Хайруллага ўхшаган тадбиркорлар, ҳунармандлар кўпчиликни ташкил этади, – дейди "Кулолчи" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Аҳмад Раҳматов. – Қувонарли томони ҳунармандларимиз уста-шогирд анъанаси асосида иш олиб боришади. Бу ҳол маҳалламиз ёшларининг фойдали меҳнат билан банд бўлишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

**Ҳамроз АЛИ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**



«Qishloq HAYOTI»
18-son (2016-yil 11-fevral)

14 ФЕВРАЛЬ – ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР ТАВАЛЛУД ТОПГАН КУН

# БАҒОЯТ АЗИМ ДАРЁ



*Ҳиндистоннинг буюк фарзанди Жавоҳарлаъл Неру таъкидлаганидек, “қотиб қолган диний ақидалар ва минг йиллардан буён ўзгармас ғоялар ҳинд халқининг ижтимоий аҳволини оғирлаштириб, тараққиётдан тўхтатиб қўйган бир пайтда Бобурнинг Ҳиндистонга келиши туфайли бу мамлакатда буюк ўзгаришлар содир бўлди. Санъат, меъморчилик ва маданиятнинг бошқа соҳаларида янгича, серилҳом тараққиёт юз берди”.*

Европалик баъзи тадқиқотчилар оламда тенги йўқ Тожмаҳалнинг қурилиш тарихига ўз ҳукмини ўтказиб шарҳлашга ҳаракат қилади. Ғарб солномачилари Италия меъмори Жеронимо Верониони мақбаранинг бош меъмори дея талқин этдилар. Французлар эса ўз навбатида муаллифлик тожини ватандоши Август де Бордога кийгизишга уринадилар.

Италия тарихчилари ҳатто мақбара қурилишидаги бош меъмор Муҳаммад Исо билан Жеронимо Веронио аслида бир одам, деган фикрни ҳам илгари суришди. Ҳолбуки, ушбу обидалар қурилиши тарихига оид солномада Тожмаҳални қуришда иштирок этган қирққа яқин асосий усталар номи, қайси мамлакатдан эканлиги, касби ва ойлик маошлари батафсил келтирилган. Улар Муҳаммад Исо, Сатторхон, Муҳаммад Шариф. Қисқача айтганда, уларнинг бари Мовароуннаҳр ва хуросонликлар эди.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур қомусий олим бўлгани ҳаммага маълум. Берунийнинг “Ҳиндистон” китобида ва Бобурнинг шоҳ асари “Бобурнома”да Ҳиндистон ҳақида ажойиб маълумотлар бор. Беруний Ҳиндистоннинг тарихини ҳам, дини, тили, фани ва маданиятини ҳам чуқур таҳлил қилган шахс. Бобур эса Ҳиндистоннинг асосан ўзи яшаган даври манзараларини тадқиқотчи олим сифатида баён этган.

Улуғ мутафаккир Заҳириддин Муҳаммад Бобур табиатга ва жамиятга зийрак рассом, синчи адиб, қомусий олим кўзи билан қараб “Бобурнома”ни ёзди. Шу боисдан ҳам унда баён этилган маълумотлардан рассом – кўрмасдан айнан ўша қиёфани, олим эса илмий асосларга мос келадиган харитани, ёзувчи ва тарихчилар эса узоқ ибтидодаги ҳақиқатларни билиб, янгитдан яратиши мумкин.

Мирзо Бобур дейди: “Афғонистоннинг иссиқ ва совуқ қисмлари бир-бирига яқиндир. Қобулдан бир кун юрсангиз ҳеч қачон қор ёғмайдиган ерига бориб қоласиз. Икки соат бошқа томонга юрсангиз қор ҳеч эримайдиган ерини кўрасиз”.

Буюк алломанинг бу иборасини ҳозирги тушунчамизга мослаб айтганда, тропик иқлим билан субтропик иқлимнинг чегараси Афғонистон жанубидан ўтади, деган хулоса келиб чиқади. Мирзо Бобур ўз замонидаёқ Ҳисор тоғларининг жанубий этакларида ёғингарчилик кўп ёғишини билган. Дарҳақиқат, ҳозирги фаннинг аниқлашича, Марказий Осиёнинг энг нам жойи айни шу Ҳисор этаклари,



Гарм ва Обигарм ҳудудларидир. Хуллас, Бобур дарё ва кўлларни шундай маҳорат билан бадиий сўзлар ва образлар орқали ифодалайдики, бу тасвирлар ҳозирги замон география фанини безайди, мутахассисларни эса лол қолдиради. Сабаби, у ўша даврдаёқ Марказий Осиёнинг геоморфологик, иқлимий ва геоботаник жойлашувини аниқ мисоллар билан айтиб берган.

“Бобурнома” турли дуру жавоҳирларга тўла катта бир хазинадирки, ундан ҳар бир киши ўзига муносибини танлаб олади. Танлаш эса ниҳоятда қийин. Қийинлиги – жавоҳирнинг кам бўлганлигида эмас, балки у шу даражада серқирра ва сержилоки, бирини олсанг иккинчиси, иккинчисини олсанг учинчиси ундан ҳам жилолироқ кўринаверади, бизни ҳайрон қоларли маълумотлар билан таништираверади.

Бобур мирзо фаолият кўрсатган илм-фан соҳаларини бирма-бир санаб чиқиш ҳийла мушкул, у аввало давлат арбоби, дипломат, ҳарбий назариётчи, шоир, табиатшунос, адабиётшунос, сайёҳ, психолог, фиқҳшунос, мусиқашунос. Умуман, ул зотнинг илм-ҳунарини таърифлайдиган бўлсак, жуда кўп маротаба “шунос” қўшимчасини ишлатишга тўғри келади.

Бобур тасвирий санъатга жуда қизиққан, ҳатто унинг сир-синоатларини билишга ҳаракат қилади. У Камолиддин Беҳзодни мусаввирлар пешвоси сифатида ўта қадрлайди, айни пайтда унинг ижодининг мулоҳазаталаб жиҳатлари устида тўхталади. “Мусаввирлардан Беҳзод эди. Мусаввирлик санъатини жуда нозик қилди. Бироқ, сақолсиз кишиларнинг чеҳрасини яхши очмайди: иягини узунроқ тортади. Сақолли кишининг юзини қойилмақом қилиб чизади” дейди.

Абу Райҳон Берунийнинг “Ҳиндистон”, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” асарини ўқир эканмиз, бу икки буюк шахсларнинг тафовутидан кўра ўхшашлиги кўпроқ. Беруний ва Бобур – Мовароуннаҳрда туғилиб, вояга етган зотлар. Ҳар иккаласи ҳам бири камроқ, иккинчиси кўпроқ Ҳиндистонни кездилар. Ҳиндистон ҳақида асарлар ёздилар. Тақдирни қарангки, иккаласи ҳам Афғонистонда дафн этилган: Беруний – Ғазнада, Бобур – Қобулда.

**Ботир Али ИМОМОВ,**
**журналист.**

# “ЛАЙЛИ ВА МАЖНУН” ЯНГИ ТАЛҚИНДА



**Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқий театрида “Лайли ва Мажнун” спектаклининг премьераси бўлиб ўтди. Хуршиднинг икки пардали мусиқали драмаси асосида Шуҳрат Ризаев томонидан қайта ишланган асарни Ўзбекистон халқ артисти М.Азизов янги талқинда саҳналаштирган.**



Ёлкин ШАМСИДДИНОВ (ЎзА) олган сурат.

Маълумки, мустақиллик йилларида маънавиятимизнинг том маънодаги ажралмас қисми бўлган буюк бобокалонимиз, ғазал мулкининг султони Навоий ижодини ўрганишга бўлган қизиқиш, унинг шахсига нисбатан ҳурмат ва эҳтиром туйғулари ортди. Дарҳақиқат, бетакрор истеъдод соҳиби, буюк шоир, давлат арбоби, санъат ва маданият ҳомийси, даҳо ижодкор асарларида тилга олинган юксак инсоний туйғулар, уларда илгари сурилган ғоялар, панд-насиҳатлар орадан неча аср вақт ўтган бўлишига қарамай, бугунги кунимиз учун ҳам бирдек аҳамиятли ва қадрлидир. Гўёки, ҳазрат Навоий асарларини асрлар қаъридан туриб авлодлар йўлини ёритаётган нурли машъалага менгзаш мумкин. Истиқлол шарофати туфайли халқимизга ана шундай ажойиб мероСидан баҳраманд бўлиш бахти насиб этди.

Асарда икки қалбнинг пок муҳаббати, бир-бирига бўлган севги ва садоқати, шунингдек, ўша даврдаги ижтимоий тенгсизлик оқибатида тўсиққа учраган ошиқ ва маъшуқанинг ўз аҳди йўлидаги кураши ва бу йўлда уларнинг қурбон бўлиш воқеалари гўзал поэтик чизгиларда ниҳоятда моҳирлик билан акс эттирилган. Спектаклга Навоий образининг киритилиши эса асарнинг таъсирчанлигини, мазмун ва моҳиятини янада оширган.

– Назаримда ҳазрат Навоий образини у яратган ҳар бир асарга киритиш керак, – дейди Шуҳрат Ризаев. – Чунки, бу улуғ зот эзгу ғоялар тараннумчиси сифатида инсонлар қалбида абадий барҳаётдир.

Шоир таваллудининг 575 йиллиги муносабати билан саҳна ижодкорларининг тарихий асарга қўл уриши театр ихлосмандларини қувонтирди. Ролларни театрнинг етук санъат дарғалари билан бир қаторда ёш, истеъдодли санъаткорлар ижро этишган. Спектаклда Алишер Навоий образини актёр Азизхон Латипов, Қайснинг отаси Маҳди ролини Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Турғун Бекназаров, Лайлининг отаси Амир ролини Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Александр Бекчановлар гавдалантирган. Шунингдек, бош қаҳрамонлар Қайс ва Лайли ролини театрнинг ёш иқтидор эгалари Равшан Иброҳимовлар ва Дилором Абдуолимовалар зўр маҳорат билан ижро этишган. Сирасини айтганда, асарнинг ҳар бир қаҳрамони образи ўзига хос тарзда талқин этилган. Янгича саҳна безакларидан тортиб ижро этилган мусиқа ва рақслар устида катта меҳнат қилинганини пайқаш қийин эмас. Асар қаҳрамонларининг либослари ҳам ўша давр руҳига мос, воқеаларга ҳамоҳанг равишда юксак дид билан ишланган.

Мухтасар айтганда, асар ўзининг асл моҳиятини йўқотмаган ҳолда, бугунги давримиз ижтимоий муаммоларини ҳам кўрсата оладиган, томошабинни ўйлашга, фикрлашга чорлайдиган саҳна асари бўлган дейиш мумкин. Спектаклнинг томошабинлар томонидан зўр иштиёқ билан кутиб олиниши театр ижодкорларининг келгусида маънавиятимизнинг ноёб дурдоналари бўлмиш тарихий асарларни саҳналаштиришига яна бир турткибўлиши шубҳасиз.

**Инобат МАТЁҚУБОВА,**
**“Qishloq hayoti” мухбири.**

# ТАРБИЯДА ТАНАФФУС БЎЛМАЙДИ

**Давлатимизнинг бош мақсади фарзандларимизнинг бахтли яшаши учун зарур шарт-шароитлар яратишга, уларни ҳаётимизнинг ҳал қилувчи кучи этиб вояга етказишга қаратилган. Бугун юзлаб коллеж ва лицейлар, кўплаб спорт иншоотлари, кутубхоналар, музейлар, театр, турли тўгараклар ёшларимиз ихтиёрида. Булар инсон маънавиятига бой озуқа берадиган манбадир. Кечаги деҳқон боласи бугун чет тилларини ўрганиб, хорижий давлатларда таҳсил олмоқда.**



Бизнинг ниятларимиздан бири шуки, ёшларимиз қаерда, қандай касбни эгалламасинлар, ўзларининг қандай халқ фарзанди эканлигини асло унутмасинлар. Ахир бугун интернет орқали тарқатилаётган хабарлар қаторида куракда турмайдиган ёлғон-яшиқлар, иғволар озми? Айниқса, ёшларимиз шундай "хабар"ларнинг саратини саракка, пучагини пучакка ажрата олсинлар, деймиз.

Бир фарзанд ўз манфаати йўлида бошқалар билан ҳисоблашмай, миллат шаънини назар-писанд қилмай, дунёга фақат уруғ-аймоғию маҳалласига қараб баҳо бера бошласа, у ҳеч қачон ўз халқининг вакили бўлолмайди. Комил инсонлар Ватан ва миллат дея курашганлар. Баъзан ўйлаб қоламиз, Нажмиддин Куброю Беҳбудийлар ҳам ўз жонларини сақлаб қолишлари мумкин эди-ку. Ватан, бу – аждодлар мерос қилиб қолдирган, қувонч ва изтироблар майдонидир. Ватан, бу – туғилган ва туғилажак зурриётларнинг қулоғига айтиладиган азондир. У тилдир, у иймондир, у ўзлигимиздир.

Юртимиз яшармоқда, халқимизнинг янги бир авлоди – истиқлол даври фарзандлари камолга етмоқда. Уларнинг қалбида чин маънодаги ватанпарварлик руҳи шаклланмоқда. Кеча дунё билан бўйлашмоқ орзусини қилаётган эдик. Бугунги ёшларимизнинг интеллектуал салоҳияти эса юксак. Улар дунёдаги тенгдошларидан ўзишга тайёр, ҳеч кимдан кам бўлмаган авлод.

Ҳар қанча фахрланса арзигулик урф-одат ва миллий қадриятларимиз бор. Уларда ўзбек халқига хос турмуш тарзи, орзу-умид ва интилишлар акс этиб туради.

Оилада ота-онанинг ўзаро муносабатларини, ота билан қиз ёки ўғил, ака-ука, опа-сингиллар ўртасидаги муносабатларни олайлик. Уларнинг ҳар бири алоҳида "одоб-ахлоқ кодекси" асосида шаклланган. Рисоладагидек оилада ота нозик масалаларда, масалан, қизни турмушга беришда (истисно ҳолатларни ҳисобга олмаганда), қизига тўғридан-тўғри мурожаат қилмайди. Қизининг отага муносабати ҳам чуқур ҳурмат-иззат ва андиша асосида қурилган. Қиз ота фикрини онаси орқали билиши, унинг орзу-мақсадлари эса отага аёли орқали етказилиши тарбиянинг юксак намунаси. Оила аталмиш қадриятлар қўрғонида фарзандлар ана шундай андиша, одоб мезонларига амал қилган ҳолда улғаяди.

Бугунги кунда маҳалла институтининг ёшлар тарбиясидаги ўрни ортиб бораётганлигини мамнуният билан қайд этиш жоиз. Бирорта ғарб давлатларида маҳалла тушунчасининг ўзи йўқ. Бизда эса у жуда муҳим вазифани бажаради. Айниқса, маънавий-ахлоқий фазилатларимизнинг оҳорини тўкмай, ёшлар онгу шуурига етказиш палласида.

XX асрда дунёга куролланиш пойгаси хавф солган бўлса, янги асрда "оммавий маданият" деб аталмиш бало раҳна солмоқда. Интернетдаги, айрим ахборотлар ёшлар онгининг тўғри шаклланишига салбий таъсир кўрсатиб, "сен эркинсан, ёшликда айшингни сур, кўнглинг тусаган ишни қил, беш кунлик дунёда еб-ичиб, ўйнаб-кулиб қол", деган заҳарли чорловлар билан уларни худбин қилиб, тўғри йўлдан оздиришга уринаётгани сир эмас-ку!.

Шу маънода боламизнинг тунда санғиб юриши, невараларимизнинг зўравонлик, жоҳилликни тарғиб қиладиган айрим компьютер ўйинларига муккасидан кетаётганига қандай бепарво қараш мумкин?

Менталитетимизга хос бўлмаган қўғирчоқларнинг бола тарбиясига салбий таъсирига бўяш учун чиқарилган альбомларда расмлар орқали илгари сурилаётган беҳаёлик ғояси сингдирилган ҳар қандай ҳолатга бефарқ бўлишга ҳаққимиз йўқ!

Ёшларимизни бегона ғоя ва мафкуралар хуружидан асраш, уларни баркамол инсон этиб тарбиялашда аждодларимиздан мерос урф-одат, гўзал анъана ва миллий қадриятларга суянишгина биз кутган самарани беради.

**Алижон АЗИЗОВ,**
*санъатшунослик фанлари номзоди, доцент.*

# ЖАМИЯТ РАВНАҚИНИНГ ТАЯНЧ НУҚТАСИ

*Президентимизнинг "Юксак маънавият – енгилмас куч" асарида шундай фикрлар бор: "Таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмайди – бу шарқона қараш, шарқона ҳаёт фалсафаси".*

*Бу фикрлар бугунги шиддаткор замонда, ахборотлар асрида ниҳоятда қимматлидир. Негаки, бугун жаҳонда кечаётган воқеа-ҳодисаларга, дунёнинг турли бурчакларида бўлаётган ўзгаришларга қарар эканмиз, мақсадлар ва манфаатларнинг ғоялар кураши авж олганини кўрамиз. Айниқса, инсоният тараққиётида муҳим аҳамият касб этадиган тинчликни кўролмас кучлар ўзининг бузғунчилик ғояларини тарқатишга уринишлари кучайиб бормоқда. Бундай вазиятда фақатгина таълим ва тарбия билангина ёш авлодни улар таъсиридан сақлаб қолиш мумкин.*



Мустақиллик йилларида мамлакатимиз таълим тизимида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар ўзининг юксак самараларини бермоқда. Бугунги кунда юртимизнинг барча гўшаларида замонавий ўқув бинолари қад ростлаб, ўқувчиларнинг етарлича билим олишлари учун барча шарт-шароитлар яратилди. Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ёш авлоднинг замонавий таълим олиб баркамол шахс сифатида вояга етишлари учун дастуриламал вазифасини ўтамоқда. Узлуксиз таълим тизими баркамол авлодни вояга етказишда, сирасини айтганда, келажакни мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этаётир.

Узоқни кўзлаган йўловчи бир жойга етганда, бир ортига қарайди, бир борар йўлига назар ташлайди. Ўтган йўлини сарҳисоб этади, кўзлаган манзили режасини тузади. Истиқлол йилларида маънавият, маърифат, маданият борасида амалга оширилган ишлар, бу борада, хусусан, баркамол авлодни тарбиялаш жараёнига эътибор қаратсак, узоқни кўзлаб изчил амалий ҳаракатлар қилинганини кўрамиз.

Бу жараёнда, энг муҳим жиҳат шундаки, ёшларни миллий қадриятларимиз, маънавий меросимизни қадрлаш, миллий истиқлол мафкурасини сингдирган ҳолда маънавий ва маданий жабҳада баркамол этиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилаётир.

Ҳа, мафкура ер шарининг таянч нуқтасига айланиб турган ҳозирги бир пайтда биз фақат ва фақат миллий маънавиятимизга собитлигимиз эвазига ўз ҳаётимизни асраб қоламиз.

Бугунги кунда дунёдаги ғоявий хуружлар, мафкуравий тус тўполонларга ҳам халқимиз фақат ва фақат миллий истиқлол ғояси ҳамда юртимизда кечаётган юксак даражадаги маънавий ислоҳотлар билан, маънавий тарбия билан жавоб бера олади.

Бугун биз ёшлар олий таълим даргоҳида таълим олар эканмиз, айни шу жиҳатларни чуқур англаб бормоқдамиз. Бизнинг келажагимиз ҳам педагогика соҳаси, таълим ва тарбия билан боғлиқ. Шундай экан, соҳадаги барча янгиликлар, тажрибалар, билим ва малакани ўзлаштириш эртанги фаолиятимиз учун ниҳоятда муҳимлигини тушунамиз. Тинч ва осуда ҳаётимизни, эркин ва фаровон турмушимизни ҳар хил кучлардан – турли ахборот хуружлари, бузғунчи ғоялардан ҳимоя қилишда, асрлар давомида шаклланган қадриятларимизни асраб-авайлашда, ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етишларида педагогларнинг хизмати катта ва шундай бўлмоғи ҳам керак. Зеро, миллат келажаги – Ватан келажаги, тарбия масаласи – келажак меваси. Тараққиётнинг бош мезони ҳам тарбияга, таълимга ва бугунги ҳаракатга боғлиқ.

**Юлдузхон ИМОМНАЗАРОВА,**
*Қўқон давлат педагогика институти талабаси.*



# МЕҲР БЕРСАНГ, МЕҲР КЎРАСАН!

*Баъзи ота-оналар фарзандининг қулоқсизлиги, дарс қилишни хоҳламаслиги, зарарли одатларга берилиб кетаётганлигидан шикоят қилишади. Бундай болалар билан суҳбатлашсангиз, уларнинг аксарияти оилада етарлича меҳр ва эътибор кўрмаганлигига амин бўласиз. Яна айрим ота-оналар борки, улар фарзанди учун барча шарт-шароитлар яратиб берганликларини, лекин шунда ҳам фарзандининг доим нимадандир норози эканлигини айтишади. Аслида бу норозилик тўкис шароитга нисбатан эмас, унга меҳр-муҳаббат, эътибор камлигидандир.*

Халқимизда шундай накл бор, меҳр берсанг, меҳр кўрасан. Дарҳақиқат, фарзандимизга берган меҳримиз ўрнини ҳеч қачон қимматбаҳо кийим-кечаклару сўнгги русумдаги техника воситаларининг биронтаси босолмайди. Ота-онасининг, оила аъзоларининг бир-бирларига нисбатан меҳр-оқибатларини кўриб улғайган бола, келажакда нафақат яқинларига, балки атрофдагиларга нисбатан ҳам оқибатли, марҳаматли бўлиб вояга етади.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, она боласини бағрига босиб, уни қанчалар яхши кўришини айтиб турса, боланинг иммунитети кўтарилиб, касалликларга нисбатан курашувчанлиги, ўзига ишончи ортар экан, ақлий ривожланишига ижобий таъсир кўрсатар экан.

Меҳр туйғусига бўлган эҳтиёж ҳар кимда ҳар хил бўлади. Масалан, аёллар эркакларга нисбатан кўпроқ меҳр-муҳаббатга, эътиборга муҳтож бўлишади. Боғча ёшидаги бола ўсмирга қараганда меҳрга кучли эҳтиёж сезади. Сабаби, ўсмир ёшидаги бола учун дўстнинг аҳамияти ортади. Шунинг учун ҳам бу даврда ота-оналар фарзандларига дўстдек муомала қилишлари, уларга ҳадеб танбеҳ бериб, босим ўтказмасликлари керак.

Турли жангари фильмлар, ўлдириш-уриш саҳналари, кўплаб компьютер ўйинлари болаларнинг дийдасини қотиради, қаҳрли, қассоскор қилиб қўяди. Фарзандингизда меҳр туйғусини шакллантирмоқчи бўлсангиз, унга ҳиссиётларга бой фильмлар томоша қилишни таклиф этинг. Уйда ҳайвонлар, қушлар ва балиқлар боқишига шароит яратиб беринг.

Болага бирор юмуш, вазифа юклаганингизда, эвазига у-бу нарса олиб бераман, деб ваъда берманг. Шунчаки, унга бу вазифаларни уддаласанг, сени яна ҳам кўпроқ яхши кўраман, сендан жуда миннатдор бўлдим, деб кўнглини кўтарсангиз кифоя. Зеро, фарзандингизнинг мурғак қалби моддий нарсалардан кўра меҳр-муҳаббатга кўпроқ муҳтождир.

**Мақсуда ЁҚУБОВА,**
*Қарши педагогика коллежи психология фани ўқитувчиси.*

## ТАШКИЛОТЛАР ВА КОРХОНАЛАР ДИҚҚАТИГА!

# СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТЛАР ҚУРИЛИШИ БЎЙИЧА ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТЛАРНИ ТАНЛАШ ЮЗАСИДАН ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

● **Сурхондарё вилояти Термиз шаҳридаги 11-сонли мактабни реконструкция қилиш.**

**Объектнинг бошланғич нархи:** ҚҚС билан 1660,612 млн. сўм, ҚҚСсиз 1383,843 млн. сўм. **Қурилиш муддати** – 240 кун.

**Юқоридаги объектнинг қурилиш ишларини молиялаштириш** – Бюджетдан ташқари таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

* * *

**Лот 2-1. Сурхондарё вилояти Денов тумани "Юрчи" ҚФЙ Себзор маҳалласини ичимлик суви билан таъминлаш.**

**Объектнинг бошланғич нархи:** ҚҚС билан 384,410 млн. сўм, ҚҚСсиз 320,341 млн. сўм. **Қурилиш муддати** – 180 кун.

**Лот 3-1. Сурхондарё вилояти Термиз тумани "Пахтаобод" ҚФЙ Мустақиллик қишлоқ аҳоли пунктини ичимлик суви билан таъминлаш.**

**Объектнинг бошланғич нархи:** ҚҚС билан 344,471 млн. сўм, ҚҚСсиз 287,059 млн. сўм. **Қурилиш муддати** – 60 кун.

**Лот 3-2. Сурхондарё вилояти Ангор туманидаги "Талимарон" ҚФЙ Гиламбоб қишлоқ аҳоли пунктини ичимлик суви билан таъминлаш.**

**Объектнинг бошланғич нархи:** ҚҚС билан 217,425 млн. сўм, ҚҚСсиз 181,188 млн. сўм. **Қурилиш муддати** – 90 кун.

**Лот 3-3. Сурхондарё вилояти Бойсун туманидаги Қўрғонча, Юрти оға, Туркмандала ва Назарий қишлоқ аҳоли пунктларини ичимлик суви билан таъминлаш.**

**Объектнинг бошланғич нархи:** ҚҚС билан 901,058 млн. сўм, ҚҚСсиз 750,882 млн. сўм. **Қурилиш муддати** – 180 кун.

**Лот 3-4. Сурхондарё вилояти Бойсун туманидаги Пасурхи қишлоқ аҳоли пунктини ичимлик суви билан таъминлаш (2-босқич).**

**Объектнинг бошланғич нархи:** ҚҚС билан 194,871 млн. сўм, ҚҚСсиз 162,393 млн. сўм. **Қурилиш муддати** – 60 кун.

**Лот 3-5. Сурхондарё вилояти Денов туманидаги Янгиобод маҳалласини ичимлик суви билан таъминлаш.**

**Объектнинг бошланғич нархи:** ҚҚС билан 232,996 млн. сўм, ҚҚСсиз 194,163 млн. сўм. **Қурилиш муддати** – 90 кун.

**Лот 3-6. Сурхондарё вилояти Қумқўрғон туманидаги Арпапоя маҳалласини ичимлик суви билан таъминлаш.**

**Объектнинг бошланғич нархи:** ҚҚС билан 649,315 млн. сўм, ҚҚСсиз 541,096 млн. сўм. **Қурилиш муддати** – 180 кун.

**Лот 3-7. Сурхондарё вилояти Қумқўрғон туманидаги "Оқжар" ҚФЙ Хўжамкулов номли қишлоқ аҳолини пунктини ичимлик суви билан таъминлаш.**

**Объектнинг бошланғич нархи:** ҚҚС билан 266,051 млн. сўм, ҚҚСсиз 221,709 млн. сўм. **Қурилиш муддати** – 90 кун.

**Лот 3-8. Сурхондарё вилояти Қумқўрғон туманидаги Уяс қишлоқ аҳоли пунктини ичимлик суви билан таъминлаш.**

**Объектнинг бошланғич нархи:** ҚҚС билан 282,896 млн. сўм, ҚҚСсиз 235,747 млн. сўм. **Қурилиш муддати** – 60 кун.

**Лот 3-9. Сурхондарё вилояти Олтинсой туманидаги "Оқарбулоқ" ҚФЙ А.Бутаев номли маҳаллани ичимлик суви билан таъминлаш.**

**Объектнинг бошланғич нархи:** ҚҚС билан 221,661 млн. сўм, ҚҚСсиз 184,718 млн. сўм. **Қурилиш муддати** – 90 кун.

**Лот 4-1. Сурхондарё вилояти Олтинсой туманидаги "Олтинсой" ҚФЙ Наврўз маҳалласи Қаймоқли қишлоқ аҳоли пунктини ичимлик суви билан таъминлаш.**

**Объектнинг бошланғич нархи:** ҚҚС билан 317,663 млн. сўм, ҚҚСсиз 264,719 млн. сўм. **Қурилиш муддати** – 120 кун.

**Лот 4-2. Сурхондарё вилояти Сариосиё туманидаги "Бўстон" ҚФЙ Шотруд қишлоқ аҳоли пунктини ичимлик суви билан таъминлаш.**

**Объектнинг бошланғич нархи:** ҚҚС билан 271,954 млн. сўм, ҚҚСсиз 226,628 млн. сўм. **Қурилиш муддати** – 120 кун.

**Лот 4-3. Сурхондарё вилояти Сариосиё туманидаги "Хуфар" ҚФЙ Гулистон қишлоқ аҳоли пунктини ичимлик суви билан таъминлаш.**

**Объектнинг бошланғич нархи:** ҚҚС билан 443,893 млн. сўм, ҚҚСсиз 369,911 млн. сўм. **Қурилиш муддати** – 180 кун.

**Лот 4-4. Сурхондарё вилояти Термиз туманидаги Қорахон маҳалласи Жайронхона қишлоқ аҳолини пунктини ичимлик суви билан таъминлаш.**

**Объектнинг бошланғич нархи:** ҚҚС билан 319,310 млн. сўм, ҚҚСсиз 266,092 млн. сўм. **Қурилиш муддати** – 90 кун.

**Лот 4-5. Сурхондарё вилояти Термиз туманидаги "Учқизил" ҚФЙ Паррандачилик маҳалласи Сельхозтехника қишлоқ аҳоли пунктини ичимлик суви билан таъминлаш.**

**Объектнинг бошланғич нархи:** ҚҚС билан 462,693 млн. сўм, ҚҚСсиз 385,578 млн. сўм. **Қурилиш муддати** – 120 кун.

**Лот 4-6. Сурхондарё вилояти Узун туманидаги Янги куч маҳалласидаги сув иншоотини реконструкция қилиш.**

**Объектнинг бошланғич нархи:** ҚҚС билан 375,878 млн. сўм, ҚҚСсиз 313,232 млн. сўм. **Қурилиш муддати** – 180 кун.

**Лот 4-7. Сурхондарё вилояти Шўрчи туманидаги Зарбдор маҳалласи Пахтакор кишлоғини ичимлик суви билан таъминлаш.**

**Объектнинг бошланғич нархи:** ҚҚС билан 250,574 млн. сўм, ҚҚСсиз 208,812 млн. сўм. **Қурилиш муддати** – 90 кун.

**Лот 4-8. Сурхондарё вилояти Шўрчи туманидаги Ялти маҳалласини ичимлик суви билан таъминлаш.**

**Объектнинг бошланғич нархи:** ҚҚС билан 256,622 млн. сўм, ҚҚСсиз 213,852 млн. сўм. **Қурилиш муддати** – 120 кун.

**Лот 4-9. Сурхондарё вилояти Жарқўрғон тумани "Сурхон" ҚФЙдаги Авлод қишлоқ аҳоли пунктини ичимлик суви билан таъминлаш.**

**Объектнинг бошланғич нархи:** ҚҚС билан 450,275 млн. сўм, ҚҚСсиз 375,229 млн. сўм. **Қурилиш муддати** – 120 кун.

**Юқоридаги объектларнинг қурилиш ишларини молиялаштириш** – Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

**Буюртмачи:** Сурхондарё вилояти ҳокимлиги "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси.

**Манзили:** Термиз шаҳри А.Бакуменко кўчаси 5-уй. Тел: (0-376) 221-49-71, 221-49-80, 221-49-85 ф.

*Марказлаштирилган капитал қўйилмалар ҳисобига молиялаштириладиган объектларда қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш учун ўтказиладиган танлов савдоларига фақат Қурилиш-пудрат ташкилотлари реестрига киритилган қурилиш ташкилотларининг иштирок этишларига рухсат этилади.*

**Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак:** танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик – муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

**Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари ва фирмалари иштирок этганда, уларнинг танлов таклифлари баҳоланганда мамлакатимиз пудратчиларири учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилади:** танлов иштирокчиларининг таклифларини баҳолаш жараёнида танлов таклифларида четдан ишлар (хизматлар) киритилиши кўзда тутилганда ва бунда импорт қилувчилар қонунга мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод этилган бўлса, таклиф қўшимча қиймат солиғи суммасига кўшиб ҳисобланган ҳолда баҳоланади.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 февралдаги ПҚ-1475-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 1 апрелдаги 100-сонли қарорларига асосан қурилиш қиймати 500 млн. сўмгача бўлган объектларнинг танлов савдолари фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида ўтказилади, қурилиш қиймати 500 млн. сўмдан юқори бўлган объектларнинг танлов савдосида офёрталар баҳоланиб, кўрсаткичлар тенг бўлганда устунлик кичик бизнес субъектларига берилади.*

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси – **"Давархитектқурилиш" қўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилояти ҳудудий консалтинг марказига** қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин: Термиз шаҳри Тараққиёт кўчаси 36А-уй. Телефон/факс: (0-376) 223-44-73, 223-44-78 ф.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи объект қийматига қараб – 70 000 сўмдан 120 000 сўмгача.

Таклифлар (офёрталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати – офёрталар очилиши куни ва соатигача.

Таклифлар (офёрталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилган кундан бошлаб 30 кундан кейин Термиз шаҳри Тараққиёт кўчаси 36А-уйда ўтказилади.

# «TURKISTON REALTOR GROUP» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ

## БОШЛАНҒИЧ БАҲОСИ ОШИБ БОРИШИ ТАРТИБИДАГИ ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

**Аукцион савдосига Қорақалпоғистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2016 йил 4 февраль кунги №22-п-сонли аукцион савдосига чиқариш ҳақидаги буйруғи ва Кегайли тумани ҳокимининг 2016 йил 19 январь кунги №15/01-сонли қарорларига асосан Кегайли туманидан 52 (эллик икки) дона ер участкаси қўйилади:**

● Кегайли тумани Кегайли посёлкаси Лойиҳадаги кўчасидан майдони 400 кв.м бўлган уй-жой қуриш учун ажратилган №1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8-сонли ер участкалари. Бошланғич баҳоси – 114 208 сўм.

● Кегайли тумани Халқабод посёлкаси Лойиҳадаги кўчасидан майдони 400 кв.м бўлган уй-жой қуриш учун ажратилган №1, 2, 4, 5, 7, 8, 10-сонли ер участкалари. **Бошланғич баҳоси** – 114 208 сўм.

● Кегайли тумани Халқабод посёлкаси Халқабод гузари кўчасидан майдони 400 кв.м бўлган уй-жой қуриш учун ажратилган №2-сонли ер участкаси. **Бошланғич баҳоси** – 114 208 сўм.

● Кегайли тумани "Ақтуба" ОФЙ ҳудуди Есебий аҳоли пунктидан майдони 400 кв.м бўлган уй-жой қуриш учун ажратилган №1, 2, 3-сонли ер участкалари. **Бошланғич баҳоси** – 120 000 сўм.

● Кегайли тумани "Ақтуба" ОФЙ ҳудуди Есебий аҳоли пунктидан майдони 400 кв.м бўлган уй-жой қуриш учун ажратилган №1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10-сонли ер участкалари. **Бошланғич баҳоси** – 114 208 сўм.

● Кегайли тумани "Жузим боғ" ОФЙ ҳудудидан майдони 400 кв.м бўлган уй-жой қуриш учун ажратилган №22, 23, 24, 25-сонли ер участкалари. **Бошланғич баҳоси** – 144 208 сўм.

● Кегайли тумани "Кумшунғил" ОФЙ ҳудудидан майдони 400 кв.м бўлган уй-жой қуриш учун ажратилган №21, 22, 23, 24, 25, 26-сонли ер участкалари. **Бошланғич баҳоси** – 144 208 сўм.

● Кегайли тумани "Ақтуба" ОФЙ ҳудудидан майдони 400 кв.м бўлган уй-жой қуриш учун ажратилган №1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10-сонли ер участкалари. **Бошланғич баҳоси** – 114 208 сўм.

● Кегайли тумани "Янгибозор" ОФЙ ҳудудидан Кенегес аҳоли пунктидан майдони 400 кв.м бўлган уй-жой қуриш учун ажратилган №1-сонли ер участкаси. **Бошланғич баҳоси** – 114 208 сўм.

● Кегайли тумани "Янгибозор" ОФЙ ҳудудидан Ажим аҳоли пунктидан майдони 400 кв.м бўлган уй-жой қуриш учун ажратилган №1, 2-сонли ер участкалари. **Бошланғич баҳоси** – 114 208 сўм.

**Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлар:**

*– юридик шахслар учун – давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;*

*– жисмоний шахслар учун – паспорт нусхаси, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;*

Аукцион савдоси 2016 йил 14 март куни соат 12:00 да Кегайли тумани Кегайли маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи залида ўтказилади. Аукцион савдосига ариза ва ҳужжатларни қабул қилиш 2016 йил 11 март куни соат 18:00да тўхтатилади. Мазкур ер участкалари юқорида белгиланган савдо кунида сотилмаган тақдирда навбатдаги савдолар 2016 йил 13 апрель, 13 май, 13 июнь, 13 июль ва 12 август куни соат 12:00 да ўтказиладиган савдога қўйилади. Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб 20 (йигирма) кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш шартлари юклатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун аризалар шанба ва якшанбадан ташқари соат 10:00 дан 16:00 гача Нукус шаҳар А.Темур кўчаси 122-уй 1-қават 2-хонада қабул қилинади. Навбатдаги савдо кунларига талабгорлардан ариза ва ҳужжатларни қабул қилиш 12-апрель, 12-май, 11-июнь, 12-июль ва 11 август кунлари соат 16:00да тўхтатилади. Аукцион савдосига қатнашиш учун иштирокчи савдо ташкилотчиси ҳисобрақамига қатнашиш учун талабгорлар закалат пули тўғрисидаги келишувни имзолангандан сўнг ер участкаси бошланғич баҳосининг 100 фоиз миқдорда "Turkiston realtor group" МЧЖнинг "Асака банк" Қорақалпоғистон филиалидаги ҳисобрақамига (х/р: 20208000904946163001, МФО 00625, ИНН 302148414) закалат пули тўлашлари шарт.

**Веб-сайт:** www.turkistanrg.uz. **Тел.:** (0-361) 222-00-80.

***Лицензия RR№ 0100***

ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ – 2016

# БЕШ ҒОЛИБ ЖАМОА ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИГА БОРАДИ

## ПОЙТАХТИМИЗДА МИНИ-ФУТБОЛ БЎЙИЧА ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ БОШЛАНДИ

Мазкур нуфузли мусобақа Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон футбол федерацияси, Ўзбекистон мини-футбол ассоциацияси томонидан Осиё футбол конфедерацияси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Осиё чемпионатига мезбонлик қилиш учун қатор давлатлар даъвогарлик қилган эди. Осиё футбол конфедерацияси Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида Ўзбекистонда спортни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани, мамлакатимизнинг нуфузли спорт анжуманларини ўтказиш борасидаги бой тажрибаси ҳамда замонавий спорт инфратузилмаси мавжудлигини инобатга олиб, мазкур чемпионатни Тошкент шаҳрида ўтказишга қарор қилди.





Чемпионатни юқори савияда ўтказиш, мусобақа ташкил этиладиган спорт мажмуаларининг халқаро стандартларга мос келишини таъминлаш бўйича изчил ишлар олиб борилди. Хусусан, мини-футбол учун мўлжалланган янги махсус қоплама ўрнатилди, кийим алмаштириш хоналари зарур жиҳозлар билан таъминланди, мусобақа котибияти, ахборот маркази, тиббиёт хонаси, матбуот анжуманлари учун махсус жойлар ажратилиб, спортчилар, мураббийлар, мутахассислар, оммавий ахборот воситалари ходимлари ва мухлислар учун барча шароит яратилди.

"Ўзбекистон" спорт мажмуасида 10 февраль куни Осиё чемпионатининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Мамлакатимизда спортни, жумладан, футбол ва мини-футболни ривожлантиришга қаратилаётган юксак эътибор ўз самараларини бераётир. Мазкур спорт турлари бўйича терма жамоаларимиз қитъа ва жаҳон чемпионатларида муносиб иштирок этмоқда. Юртимизда йирик мусобақалар мунтазам ташкил этилаётир.

Ўзбекистон мини-футбол бўйича Осиё чемпионатига учинчи бор мезбонлик қилмоқда. Қитъа миқёсидаги беллашувларда салмоқли ютуқларни қўлга киритган мамлакатимиз мини-футбол усталари халқаро майдонда ўз мавқеи ва обрў-эътиборига эга. Ҳамюртларимиз 2001 йили Эронда, 2006 йили Японияда ва 2010 йили Тошкентда ўтказилган қитъа чемпионатларида уч маротаба кумуш медалга сазовор бўлган. Терма жамоамиз аъзолари 2005 ва 2014 йилларда Вьетнамда, 2007 йил Японияда ўтган Осиё чемпионатларида шоҳсупанинг учинчи поғонасига кўтарилган.

"Ўзбекистон" спорт мажмуаси ва Бадиий гимнастика бўйича болалар-ўсмирлар ихтисослаштирилган республика олимпия захираси спорт мактаби залларида ўтадиган Осиё чемпионатида қитъамизнинг ўн олтита терма жамоаси ғолиблик учун баҳслашмоқда. Мусобақада юқори натижа қайд этган энг кучли бешта жамоа Колумбияда ўтказиладиган жаҳон чемпионатига йўлланмани қўлга киритади.

Мамлакатимиз спортчилари Ливан, Қирғизистон ва Саудия Арабистони терма жамоалари аъзолари билан "А" гуруҳидан жой олган. Ҳамюртларимиз мазкур нуфузли мусобақага пухта тайёргарлик кўрди. Чемпионат арафасида ташкил этилган ўқув-машғулот йиғинларида қатнашиб, Осиё ва Европанинг қатор давлат терма жамоалари билан ўртоқлик учрашувлари ўтказди.

Шу куни Ўзбекистон ва Саудия Арабистони терма жамоалари учрашуви бўлиб ўтди. Ўйинда ҳар томонлама устунлигини намоён этган футболчиларимиз рақибларини 5:2 ҳисобида мағлубиятга учратди. Терма жамоамиз аъзоларидан Даврон Чориев иккита, Жамолиддин Шарипов, Артур Юнусов, Константин Свиридов биттадан голга муаллифлик қилди.

**Байрам АЙТМУРОДОВ,**
**Жавоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**ЎзА мухбирлари.**

## ХАБАРЛАР

**СПОРТ ГИМНАСТИКАСИ.** АҚШнинг Хьюстон шаҳрида ўтказилган спорт гимнастикаси бўйича Гран-при турнирида ҳамюртимиз Оксана Чусовитина иккита медални қўлга киритди. У таяниб сакраш баҳсларида олтин, кўпкураш мусобақасида эса кумуш медалга сазовор бўлди.

Энди спортчимиз март ойида Озарбайжоннинг Боку шаҳрида бўлиб ўтадиган жаҳон кубоги босқичида иштирок этади.

**ТЕННИС.** Италиянинг Бергамо шаҳрида ўтказилаётган Челленжер мусобақасида Фаррух Дўстов босниялик Мирза Башични 4:6, 6:3, 6:4 ҳисобида мағлубиятга учратди ва иккинчи даврада французиялик Грегуар Баррер билан куч синашадиган бўлди.

Халқаро теннис федерацияси (ITF) томонидан Австралия ва Туркияда ўтказилаётган турнирларда Нигина Абдураимова ва Сарвиноз Саидхўжаева иштирокини муваффақиятли бошлади.

Австралиядаги турнирда Н.Абдураимова хитойлик Жинг-Жинг Лунга қарши кортга чиқиб 4:6, 6:1, 6:2 ҳисобида ғалаба қозонган бўлса, Туркияда ёш теннисчимиз Сарвиноз Саидхўжаева япониялик Какуя Акихони 2:6, 6:4, 6:1 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Иккинчи даврада Н.Абдураимова мезбон теннисчи Жайме Форлисга, Сарвиноз Саидхўжаева эса руминиялик Дияна Негреануга қарши ўйнайдиган бўлди.

**ЎзА**


**○ Реклама ва эълонлар**

# «ШЎРЧИДОНМАҲСУЛОТЛАРИ»
## АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

томонидан Ўзбекистон Республикаси товар хомашё биржаси ҳамда тўғридан-тўғри шартнома асосида юқори протеинли қуйидаги омихта ем маҳсулотлари сотилади:

**БАЛИҚЛАР УЧУН ТАЙЁРЛАНГАН ГРАНУЛА ШАКЛИДАГИ ОМИХТА ЕМ МАҲСУЛОТИ**
1 тоннасининг нархи 1077 минг 447 сўм.



ПУЛ КЎЧИРИШ ЙЎЛИ БИЛАН ХАРИД ҚИЛИШИНГИЗ МУМКИН.



**ПАРРАНДАЛАР УЧУН ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН СОЧМА ОМИХТА ЕМ МАҲСУЛОТИ**
1 тоннасининг нархи 1226 минг 460 сўм.

Манзил: Сурхондарё Вилояти Шўрчи шаҳри Ун завод даҳаси 1-уй.
Мурожаат учун телефон: (0-376) 457-85-55.

*Маҳсулотлар сертификатланган.*


Тошкент ш. Учтепа т. ТСРЎИда (006180-01, 02.12.2013 й.) давлат рўйхатидан ўтган "TASHKENT JUDO" МЧЖ (СТИР 302760518) устав жамғармаси 51 053 000 сўмдан 47 355 000 сўмга камайишини маълум қилади.

Тошкент ш. Учтепа т. ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРЎИ томонидан (24.06.2015 й., реестр № 007287-01) рўйхатга олинган "ALI-USMON PROFIL" МЧЖ (СТИР 303374592) ташкилий-ҳуқуқий шакли оилавий корхонага ўзгартирилишини маълум қилади. Даъволар учун тел.: 272-92-15.

"HAMKORMAZLIZING" МЧЖнинг (СТИР 206957223) Низом жамғармаси таъсисчиларининг қарорига асосан 4 410 818 761,56 сўмдан 3 210 818 761,56 сўмгача камайтирилади. Эътирозлар эълон газетада чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида қабул қилинади. Манзил: Тошкент ш. Яккасарой т. У.Носир кўч. 57-уй.

Тошкент ш. Олмазор т. ҳокимияти ҳузуридаги ТСРЎИда (реестр №005456-05, 26.09.2011 й.) рўйхатга олинган "FARUS PARTNERS" МЧЖга тегишли Устав гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

"Ипотека-банк" АТИБ Меҳнат филиалига тегишли 0402005-сонли қатъий ҳисобда турувчи IPBL 1147195, 1377030, 1377031 рақамли 3 дона қимматли бланклар йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Юсупова Дилафрўз Хасановна номига Тошкент ш. Шайхонтоҳур т. Гулханий кўч. 5-уй 48-хонадон учун берилган хонадон кадастр режаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Кучкаров Усман Исламович номига 20.10.1998 й.да берилган 15-05/78 рақамли давлат ордери йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

"Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати" ДУК томонидан Файзиев Зафар Аманович номига Чилонзор т. 1-даха 11 "а"-уй манзилида жойлашган офис учун 18.02.2008 й.да берилган ТА № 0486347 сонли бино кадастр гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Шайхонтоҳур т. ҳокимининг 14.02.2003 й.даги қарорига асосан рўйхатдан ўтган "SMS" МЧЖнинг (СТИР 201085008, Манзил: Тошкент ш. Миробод т. Истиқбол кўч. 14-уй.) ташкилий-ҳуқуқий шакли "SMS" оилавий корхонасига ўзгартирилади. "SMS" МЧЖнинг ҳуқуқий вориси "SMS" ОК ҳисобланади. Тел.: 233-05-07.

"KASANA-SERVIS" хусусий корхонаси устав жамғармаси 563 293 373,96 сўмдан 337 293 373,96 сўмга камайишини маълум қилади. Тел.: (71) 249-84-89.

Тошкент шаҳар Бектемир туманида рўйхатдан ўтган "NEW STILE FASHION" МЧЖга тегишли қуйидаги лицензия варақалари йўқолганлиги сабабли бекор қилинади:

1532061, 1532062, 1532258, 1532260, 1532662, 1532663, 1532664, 1532665, 1532666, 1532667, 1532668, 1532669, 1532670, 1558313, 1558314, 1558315, 1558316, 1558317, 1558318, 1558319, 1558320, 1558321, 1558322, 1558329, 1558324, 1558325, 1558326, 1558327, 1558328, 1558330, 1558331, 1558332, 1558333, 1562723, 1562724, 1562725, 1562726, 1562727, 1562728, 1562729, 1562730, 1562731, 1562732, 1562733, 1562734, 1562735, 1562736, 1562737, 1562738, 1562739, 1562740, 1562741,1562742, 1562743.

Тошкент ш. Олмазор т. ТСРЎИда рўйхатдан ўтган "TSENTR KORREKTSII VESA-MECHTI SBIVAYUTSYA" МЧЖнинг (СТИР 303040526) ташкилий-ҳуқуқий шакли хусусий корхонага ўзгартирилади ва устав фонди 5 000 000 сўмдан 1 700 000 сўмга камайтиралади. МЧЖнинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича "TSENTR KORREKTSII VESA-MECHTI SBIVAYUTSYA" ХК жавобгар ҳисобланади. Тел.: 178-92-66.

"TOTAL COMPUTER SERVICE" МЧЖнинг (СТИР 302554947) ташкилий-ҳуқуқий шакли "TOTAL COMPUTER SERVICE" ХКга ўзгартирилади. Тел.: (90) 372-05-21.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги жамоаси Тошкент ирригация ва мелиорация институти қошидаги Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти директори Шавкат Раҳимовга синглиси

**Ширин РАҲИМОВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Давлат ветеринария бош бошқармаси жамоаси ветеринария соҳасида кўп йиллар хизмат қилган меҳнат фахрийси

**Жавлонбек ШОПЎЛАТОВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

"Ўзсувтаъмирфойдаланиш" Республика бирлашмаси жамоаси бошлиқ ўринбосари Ботир Раҳимовга опаси

**ШИРИН АЯнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

РЕКЛАМА

MIKROKREDITBANK

FitchRatings

халқаро рейтинг агентлиги

«МИКРОКРЕДИТБАНК»

АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИНИНГ

халқаро рейтинг кўрсаткичини

«В»

«БАРҚАРОР»

деб тасдиқлади.

Хизматлар лицензияланган.

РЕКЛАМА

Маҳсулотлар сертификатланган
Хизматлар лицензияланган

PROMZONA

АГРОТЕХНИКА техникани лизингга берамиз

- Беларус 80Х ~ Беларус 82.1
- Беларус 1025 ~ Беларус 1221.1
- Боғ ва ферма учун тракторлар
- Картошка терадиган комбайн
- Ғўзапоя ўрадиган комбайн
- Ўт ўрадиган комбайн
- Дори сепадиган мосламалар
- Сомон йиғувчи мосламалар
- Сачратиб суғорувчи мосламалар
- Культиваторлар
- Плуг, айланма плуг, дискали плуг
- Экскаватор погрузчик, бульдозер
- Канавокопатель, ямобур
- Аккумулятор, генератор
- Фильтр, мотор мойлари
- Сут соғадиган аппарат
- Мини тегирмон
- Ем майдалаб тарқатувчи техника
- Минерал ўғит ва кимёвий моддалар
- Прессподборщик
- Мотоблок
- Чизель
- Борона
- Косилка КИР 1,5
- Картошка экадиган комбайн
- Буғдой экадиган сеялка
- Пахта экадиган сеялка







(+99871) 280-00-71
(+99871) 280-00-72
sales@promzona.uz
www.promzona.uz

## БУ - ҚИЗИҚ!

*Кўпчилик инсонлар тана вазнининг ортишидан шикоят қилишади. Бунга нотўғри овқатланиш ва камҳаракатликни сабаб қилиб кўрсатишади. Мутахассисларнинг айтишича, тана вазнининг ортишига инсон руҳияти, феъл-атвори ҳам таъсир кўрсатар экан.*



# Инсон хулқи қоматига таъсир этади

**Қўллар** – инсоннинг ёшини “айтиб қўядиган” аъзо ҳисобланади. Қўлларга қараб нафақат инсон ёшини, балки унинг феъл-атворини ҳам билиш мумкин. Жумладан, бармоқлари, кафти, билаклари дўмбоққина инсонлар бирор жамоага тез киришиб кета олмайдиган, кўпчилик орасида ўзини ноқулай ҳис этадиган инсонлар ҳисобланар экан.

**Бўйни** йўғонлар ҳар ишда ўзини айбдор санайверадиган инсонлар тоифасига кириши мутахассислар томонидан ўтказилган тадқиқот натижаларидан маълум бўлди. Улар ҳаётларидаги хатоликлар учун доим ўзларини айблаб, шу юкни ўз бўйниларига оладилар.

Ўзи қодир бўлган вазифалардан ҳам ортиқроқ вазифаларни зиммасига олувчи кишиларнинг **елкалар**и қийшайиб, қоматларига салбий таъсир кўрсатади.

Кўпинча фарзанди билан муаммолари бўлган оналарда ёки бирон янги ғояни амалга оширишда қийналаётган инсонларнинг **қорни** катта бўлар экан. Бу ортиқча хавотир ва иккиланишлар белгисидир.

**Беллар**нинг семириб кетиши кўпинча ўз-ўзидан қониқмаслик, асабийлик ва жиззакилик натижасидир. Билингки, бу туйғулар атрофдагиларга ҳам таъсир қилиши мумкин.

Даҳан ости (бақбақа) ва **юзлар**нинг тўлишиши ўз фикрини тўлиқ баён этолмайдиган кишиларда учрайди. Бундай инсонлар суҳбатларда ўз фикрларини бўяб, безаб сўзлашга ҳаракат қиладилар. Кўпинча ёлғон ва ҳақиқат ўртасида мувозанат сақлашга интиладилар.

**М.БОБОМУҲАММЕДОВА**
**тайёрлади**

Бош муҳаррир:
Чори ЛАТИПОВ

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирлик ва идоралар.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Шухрат ТЕШАЕВ, Улуғбек УЗОҚОВ, Содиқжон ТУРДИЕВ, Омонулла ЮНУСОВ, Яшин ХИДИРОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Фарҳод ОМОНОВ, Абдиваҳоб ТАМИКАЕВ, Ботир СУЛАЙМОНОВ, Махмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Анвар ҚУЛМУРОДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (Масъул котиб).

ТЕЛЕФОНЛАР:
Қабулхона — 236-26-50, Котибият — 233-95-17, Аграр масалалари бўлими — 233-76-78, Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими — 236-26-49, Маънавият ва маърифат бўлими — 236-26-35, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 233-44-43, Факс — 233-44-43, 233-09-93.

ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР:
Қорақалпоғистон Республикаси – (+99890) 592-62-04; Андижон – (+99893) 630-73-03; Бухоро – (+99891) 401-29-59; Жиззах – (+99893) 940-00-27; Навоий – (+99894) 374-77-62; Наманган – (+99893) 948-53-86; Фарғона – (+99890) 407-76-03; Самарқанд – (+99893) 994-57-08; Сирдарё – (+99894) 168-23-60; Сурхондарё – (+99890) 519-86-50; Тошкент (+99890) 976-39-58; Хоразм (+99890) 438-71-25; Қашқадарё (+99891) 635-08-03.

Реклама ва эълонлар:
236-26-50,
233-28-04.

ISSN 2010-7021
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Навбатчи муҳаррир: Ж.ЭШНИЁЗОВ
Мусаҳҳиҳ: М.БОБОМУХАММЕДОВА
Дизайнер: Н.ТЕМИРОВ

Газета сешанба, пайшанба, шанба кунлари чиқади.
Буюртма Г-219, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-3.

Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

E-mail: info@qishloqhayoti.uz

Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 21.55
23907 нусхада чоп этилди. Нашр индекси — 144

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5